

6.2. Етказиб берилган электр энергияси ҳақини уз вақтида туламагани учун "Истеъмолчи" махсус ҳисоб рақамидан "Таъминотчи"га утказиб юборилган ҳар бир кун учун тулов суммасининг 0,1 фоизи (махсус тартибга кура электр энергияси бериладиган корхоналар учун 0.2 фоиз) миқдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаган миқдорда пеня тулайди.

6.3. "Истеъмолчи"нинг таклифига кура мулжалланиётган узгартиришларга 10 кундан кеч булмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги ҳажмларининг узгартирилиши электр энергиясини кам олиш ёки ортиқча олиш деб ҳисобланмайди.

6.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кура уларни судга ҳал этиш юзасидан тегишли чораларни курадилар.

Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳам ҳақлидир.

7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ва бошқа табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Мазкур шартномага узгартиришлар (қушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Ушбу шартнома иккала томонлама имзоланиб ҳудудий Ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга киритилиб, рўйхатдан утказилган кундан бошлаб 2019 йилнинг "31" декабргача амал қилади.

9.4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тўхтатилади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади. Шартноманинг ҳар иккала нусхалари тенг юридик кучга эга.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Ижрочи»

Карши шаҳар Электр тармоқлари
(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Карши шаҳар__

Тел./факс _____

х/в 22636000900177786343__

Банк номи Карши ш, АТ Саноат-Курилиш

банки Карши мин ф__

МФО 00854_ СТИР 200666494_

ОКОНХ 11170_

Раҳбар _____



«Буюртмачи»

Карши шаҳар молия булими
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: _____ А.Темир 187_____

Тел./факс 225-01-82_____

ш/х* 100022860104017011312092004_____

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 202115481

ОКОНХ 97160_____

Ғазначилик бўлинмаси номи Уз Республикаси

Молия вазирлиги ғазначилиги_____

Ғазна х/в 23402000300100001010_____

Банкнинг номи Тошкент шаҳар Марказий банк


МФО 00014

ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919_

Раҳбар _____ Ш.Ашуров _____

(давлат)

(Ф.И.Ш)



Изох: *) – бюджетдан маблағ олувчининг ғазначилик бўлинмасида очилган тегишли шахсий ҳисобварағи (шахсий ҳисобварақлари) кўрсатилади.